


I. КИЧИК БИЗНЕСВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2020 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 23 399 тани ташкил қилди. (2019 йил 1 апрелга нисбатан 118,2% га кўпдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг 2020 йил 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 40,6%и), саноат соҳасида (21,8%), қурилишда (8,1%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (15,7%) ташкил этилган.


Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар

	<i>январь-март 2019 йил</i>	<i>январь-март 2020 йил</i>
Вилоят жами	2 078	1 626
Наманган шаҳар	597	375
Мингбулоқ	105	100
Косонсой	150	85
Наманган	126	139
Норин	133	119
Поп	164	212
Тўрақўрғон	119	100
Уйчи	134	111
Учқўрғон	159	113
Чортоқ	101	104
Чуст	191	112
Янгиқўрғон	99	56

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Наманган шаҳрида - 375 та, Поп туманида - 212 та, Наманган туманида - 139 та, Норин туманида - 119 та, Учқўрғон туманида - 113 та, Чуст туманида - 112 та, Уйчи, Чортоқ, Тўрақўрғон, Мингбулоқ, ва Косонсой туманларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 111 - 85 тани ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Янгиқўрғон туманида – 56 тани ташкил этди.



2020 йил январь-март ойларига янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоизда




2020 йил январь-март ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Наманган шаҳри - 23,2 %, Поп тумани - 13,0 %, Наманган тумани - 8,5 %, Норин тумани - 7,3 %, Учқўрган тумани - 6,9 %, Чуст тумани - 6,9 %, Уйчи тумани - 6,8 % ва Чортоқ тумани - 6,4 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 65,0%и (2019 йил январь-мартда 66,9%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 72,3 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 83,4 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 86,8 млн.АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 79,4%и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши

(январь-март ойлари ҳолатига, фоизда)



Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми (2020 йил январь-март)

Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Жами нисбатан % да	ҳажмга улуши,
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 595,0	96,0
Саноат	1 356,2	60,3
Қурилиш	315,6	80,6
Чакана савдо	2 575,1	88,6
Юк ташиш, млн. тн.	74,7	95,1
Йўловчи ташиш, млн.киши	100,1	97,5

**2020 йил январь-мартида кичик тадбиркорликнинг
худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,
(фоизда)**

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	инвестициялар
Вилоят жами	60,3	80,6	64,5	72,0
Наманган шаҳар	59,0	47,1	41,7	67,7
Мингбулоқ	11,1	100,0	92,9	97,8
Косонсой	97,3	92,3	89,5	97,0
Наманган туман	79,1	100,0	97,7	98,8
Норин	100,0	100,0	90,1	96,9
Поп	32,4	73,9	79,6	64,1
Тўрақўрғон	39,2	100,0	77,2	26,0
Уйчи	99,9	100,0	96,8	94,8
Учқўрғон	50,3	100,0	93,4	91,5
Чортоқ	100,0	100,0	91,7	85,9
Чуст	70,7	100,0	94,5	89,9
Янгиқўрғон	100,0	100,0	96,3	95,9

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Чортоқ, Янгиқўрғон ва Норин (100,0 %) ҳамда Уйчи (99,9 %) туманлари ташкил этди.

Қурилишда - Мингбулоқ, Наманган, Норин, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ ва Янгиқўрғон (100,0 %), Косонсой туман (92,3 %), Поп (73,9 %) ва Наманган шаҳар (47,1 %) туманлари ташкил этди.

Хизматлар соҳасида – Наманган туман (97,7 %), Уйчи (96,8 %), Янгиқўрғон (96,3 %), Учқўрғон (93,3 %), Норин (90,1 %), Чуст (94,5 %), Мингбулоқ (92,9 %) туманлари ташкил этди.

Инвестицияда – Наманган туман (98,8 %), Уйчи (94,8 %), Янгиқўрғон (95,9 %), Норин (96,9 %), Учқўрғон (91,5 %), Косонсой (97,0 %) туманлари ташкил этди.